

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2025 йил август ойининг 5 куни, жиноят ишлари бўйича Хива шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, шу суднинг раиси Ж.Жуманиёзовнинг раислигида, Ш.Бекчановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хива шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Саидов, судланувчи Ҳ.Р ва унинг ҳимоячиси “НІМОУАСНІ YURIST” адвокатлик бюроси адвокати Д.Каримов, фуқаровий даъвогар Н.Яларнинг иштирокида, Р Ҳ Мга нисбатан 1-2212-2501/00-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

Р Ҳ М

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Р Ҳ М, 2025 йил 7 июнь куни соат 11⁰⁰ дан 11³⁰ гача бўлган вақт оралиғида, Х тумани, “П” маҳалласи, “М” кўчаси, 0-уйда яшовчи фуқаро Я Н Рнинг яшаш уйига бориб, хонадон аъзолари ишлаш учун дала ер майдонига кетганлиги ва у ерда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уйнинг ўнг ёнидаги ёғочдан ясалган эшиги орқали боғ томонига ўтиб, сўнгра боғ томонда қулфланмаган “Акфа” эшигини очиб, уйга ғайриқонуний равишда кириб, ётоқхонада турган сандиқнинг қулфини шу хонада гилам тагида турган калити билан очиб, ичида матога ўралиб турган Н.Яга тегишли бозорда сотилиш баҳоси 27.000.000 сўмлик, жами вазни 30 гр. 2 дона “орешка” пурчикли олтин занжирларини, сотилиш баҳоси 18.000.000 сўмлик, жами вазни 20 гр. 2 жуфт олтин сирғаларини, сотилиш баҳоси 3.096.000 сўмлик, жами вазни 3.44 гр. 2 дона аёллар сетка олтин узукларини ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиб, фуқаро Н.Яга жами 48.096.000 сўм анча миқдорда моддий зарар етказиб, ходиса жойидан яширинган.

Суд муҳокамасида судланувчи Р Ҳ М айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йилда ЖИБ Хива тумани суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, унга 2 йил муддатга синов муддати белгиланиб шартли ҳукм қилинганлигини, ҳозирги кунда синов муддатини ўтаб келаётганлигига қарамасдан, 2025 йил 7 июнь куни амакиси Х Днинг даласида буғдой йиғим терим ишларига ёрдамлашиб юриб, амакиси Д.Хнинг уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, соат 11⁰⁰ ларда далага кийиб келган оёқ кийимини алмаштириб келишини баҳона қилиб, Д.Хни уйига кириб, амакисини



ётоқхонасидаги сандикдан Я Нга тегишли тилла-тақинчоқларни ўғирлаб, йўлда ўзи биладиган жойга ариқ бўйига яширганлигини, шундан сўнг у далага қайтиб бориб, тушлик вақти бўлганлиги учун уйига кетганлигини, шунда у ўғирлаган тақинчоқларини ўзи билан олиб, уйининг томорқасига яшириб қўйганлигини, ҳозирги кунда қилган жиноятини мазмун-моҳиятини англаб етганлигини ва қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, оилавий ва моддий аҳволини инобатга олиб, унга қонун доирасида ёрдам беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар **Н.Я** судда, у 2025 йил 7 июнь куни ўзларига тегишли далада турмуш ўртоғи Х Д, ўғли Р Р ва турмуш ўртоғининг жияни Р Ҳ билан бирга буғдой йиғим-теримини амалга ошириб юришгани, шундан сўнг соат 11⁴⁰ да Х.Р даладан уйига деб кетиб қолиб, орадан 30 дақиқа ўтиб, қайтиб келиб, уларга ёрдамлашиб тушликкача далада юрганлигини, аммо тушликдан сўнг келмаганлигини, шундан сўнг у оила аъзолари билан уйга тушлик қилиш учун келиб, ўзининг ётоқхонасига кирганида, нарсалар бетартиб ҳолатга келиб қолганини кўргани ва дарҳол шу хонада турган сандикни ичини очиб кўрганида, сандикда турган биттасининг оғирлиги 15 граммдан бўлган 2 дона баҳоси 25.500.000 сўмлик “орешка” тилла занжирлари, биттасининг оғирлиги 10 граммдан 2 жуфт баҳоси 17.000.000 сўмлик тилла сирғалар, биттасининг оғирлиги 1,72 граммдан бўлган 2 дона баҳоси 2.924.000 сўмлик тилла узуклари йўқлигини кўриб, ушбу ҳолат бўйича 102 га кўнғироқ қилиб хабар бергани, шундан сўнг ИИБ ходимлари ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришиб, суриштирув ишларини амалга оширишганини, шунингдек у ИИБга хабар беришларидан олдин Х.Рдан шубҳаланиб, Ҳ.Рдан бир неча марта агар уларнинг уйдан билмасдан тилла буюмларни олиб кетган бўлса қайтариб беришини айтишганига қарамасдан, Х.Р уларга тилла буюмларни олмаганлигини айтганлигини, бугунги кунда тилла буюмларини барчаси қайтариб берилганлигини, ўғирликни Х.Р қилганлиги аниқланганини, тилла-тақинчоқлар тўлиқ қайтарилганлиги учун Х.Рга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ **Ж.Ж** судда, у 2025 йил 7 июнь куни ўзининг навбатчилик вақтида соат 19⁴⁰ да Х тумани “П” маҳалласида яшовчи фуқаро Я Ннинг ўзига тегишли тилла-тақинчоқлари уйдан йўқолганлиги учун 102 оператор тизимига кўнғироқ қилиб, берган хабари асосида тергов тезкор гуруҳи тўлиқ таркибда ходиса содир бўлган жойга чиқиб, гуруҳ томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида, мазкур ўғирлик жиноятини содир қилганликда гумон қилинган, олдин Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми билан судланган Р Ҳнинг уйига бориб, Х.Р билан суҳбат ўтказилганда, Ҳ.Р ўз ихтиёри билан ўғирлаган Н.Янинг тилла тақинчоқларни тўлиқ қайтариб бериб, қилган ишидан пушаймон эканлигини айтгани ва Ҳ.Р томонидан тақдим қилинган 2 дона олтин занжир, 2 жуфт олтин сирғалар ва 2 дона олтин узукларни холислар иштирокида хужжатлаштириб олинганлигини билдириб кўрсатув берди.



Суд давлат айбловчисининг хулосасини, адвокатнинг музокарасини, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, Ҳ.Рнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, Н.Янинг аризаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар, тилла буюмларни баҳолаш маълумотномаси ва тилла буюмларини қайтариб бериш баённомалари ва унга илова қилинган фотосуратлар, нарсани таниб олиш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, Ҳ.Рнинг кўрсатмасини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан тасдиқланади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ҳ.Рнинг айби ўғирлик, яъни хавфли рецидив томонидан ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жинойи ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Суд судланувчи Ҳ.Рга нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилиб;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” - деб, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” - деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Р Ҳ Мга жазо тайинлашда, юқоридаги конституция, қонун ва Пленум қарорлари талабларидан келиб чиқиб, унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, етказилган зарарлар қопланганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг илгари



қасддан содир қилган жинояти учун судланиб, қасддан янги жиноят содир этишини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, ЖКнинг 60-моддаси тартибида, жиноят ишлари бўйича Хива туман судининг 28.11.2024 йилдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган озодликдан маҳрум қилиш жазосини, мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан, ҳукмлар мажмуи бўйича ўташлик учун узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “б” банди талабига асосан умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни, унга нисбатан белгиланган эҳтиёт чорасини ўзгартириб, дарҳол суд залидан камоққа олишни лозим деб топади.

Суд жиноят натижасида олинган ашёвий далил ва етказилган зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилиб;

ашёвий далил деб эътироф этилган, жиноят иши бўйича етказилган зарар, яъни сотилиш баҳоси 27.000.000 сўмлик жами вазни 30 гр. 2 дона “орешка” номли пурчикли олтин занжирларини, сотилиш баҳоси 18.000.000 сўмлик жами вазни 20 гр. 2 жуфт олтин сирғаларини, сотилиш баҳоси 3.096.000 сўмлик жами вазни 3.44 гр. 2 дона аёллар сетка олтин узукларини дастлабки терговда фуқаровий даъвогар Н.Яга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни,

жиноят оқибатида етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни,

жиноят ишига илова қилинган 2 дона DVD дискни жиноят ишига қўшиб сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Р Ҳ М Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 60-моддаси тартибида, судланувчи Ҳ.Рга жиноят ишлари бўйича Хива туман судининг 28.11.2024 йилдаги ҳукми билан тайинланган 4 йил 10 ой 13 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг шартлилиги бекор қилиниб, мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан, ҳукмлар мажмуи бўйича ўташлик учун узил-кесил, 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 5 август кунидан бошлаб ҳисоблансин.



Судланувчи Р Ҳ Мнинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Жиноят натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган 2 дона диск жиноят иши билан бирга қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида Хоразм вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Ж.Жуманиёзов

